

**ИНОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИ ОЛДИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР**

Азларова Азиза Ахроровна

и.ф.н., проф.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Банк иши ва инвестициялар” кафедраси
профессори Azlarova Aziza Axrorovna (ORCID 0000-0002-4873-7998)
e mail: aziza.azlarova@mail.ru +998 97 742-11-57

**АКТУАЛЬНЫЕ ЗАДАЧИ БАНКОВСКОГО СЕКТОРА УЗБЕКИСТАНА
В РАЗВИТИИ ИНОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ**

Азларова Азиза Ахроровна

к.э.н., проф.

профессор кафедры "Банковское дело и инвестиции" Ташкентского государственного
экономического университета Azlarova Aziza Axrorovna (ORCID 0000-0002-4873-7998)
e mail: aziza.azlarova@mail.ru +998 97 742-11-57

**CURRENT TASKS OF THE BANKING SECTOR OF UZBEKISTAN IN
THE DEVELOPMENT OF INNOVATION ECONOMY**

Azlarova Aziza Axrorovna

Ph.D. in Economics, Prof.

Professor of the Department of Banking and Investments Tashkent State University of Economics
Azlarova Aziza Axrorovna (ORCID 0000-0002-4873-7998)
e mail: aziza.azlarova@mail.ru +998 97 742-11-57

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11003827>

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни ривожлантиришида банк тизими олдидаги долзарб масалалар тадқиқ қилинган. Банк тизимининг ўзига хос хуқуқий жиҳатлари, ҳозирги кундаги тиқкорат банкларининг инновацион хизматлари, турлари, ҳамда бу борада мавжуд муаммолар амалий маълумотлар асосида ўрганилган. Олиб борилган тадқиқот юзасидан амалий тақлиф ва илмий тавсиялар ишилаб чиқилган.

Калит сўзлар: банк, инновация, инновацион иқтисодиёт, молиявий саводхонлик, оммабоплик, банк, депозит, кредит, онлайн банк хизматлари, микроқарз, рақамли трансформация, банк-мижоз.

Аннотация. В статье изучены актуальные вопросы банковской системы в условиях инновационной развитии экономики Узбекистана. На основе практических данных исследована правовые аспекты банковской системы, проанализирована условия и виды инновационных банковских услуг в современном этапе, а также определены существующие проблемы в этой сфере. Автором на основе проведенных исследований разработана практические предложения и научные рекомендации.

Ключевые слова: банковское дело, инновации, инновационная экономика, финансовая грамотность, популярность, банковское дело, депозит, кредит, онлайн-банковские услуги, микрокредит, цифровая трансформация, банк-клиент.

Abstract. The staff is studying current issues of the banking system and the conditions for innovative economic development of Uzbekistan. Based on practical data, the legal aspects of the banking system are followed, the conditions and types of innovative banking services at the present stage are analyzed, and existing problems in this area are identified. The author, based on proven research, has developed practical proposals and scientific recommendations.

Keywords: banking, innovation, innovative economy, financial literacy, popularity, banking, deposit, loan, online banking, microcredit, digital transformation, client bank.

Халқаро тажрибадан маълумки, инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда банк тизими мухим аҳамият касб этади. Бу борада банклар олдидағи долзарб масалалар сифатида, банкларининг молиявий хизматлар бозорида самарали фаолият юритиши, уларнинг барқарор фаолият юритиши учун меъёрий асоснинг такомиллашиб бориши, регулятор томонидан молиявий бозор иштирокчиларини самарали назорат қилиниши ва тартибга солиниши, ахоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хизматлардан инновацион усуллар орқали фойдалана олиниши ва истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиниши ҳамда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш имкониятини кенгайтириш каби ўзаро боғлиқ бўлган омиллар ҳисобланади.

Сўнгги йилларда республикамизда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш борасида туб ислохатлар амалга оширилди. Бу жараёнда, банк тизимида банк хизматлари истеъмолчиларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига, айниқса, ҳудудларда риоя этиши ҳамда молиявий очиқликни кенгайтириш, шунингдек, банкларда хизмат кўрсатиш маданияти ва ахолининг банк тизимиға бўлган ишончини янада оширишда мавжуд бир қатор муаммо ва камчиликлар аниқланди. Шу боис, банк тизимиға оид бир қатор, меёрий хукуқий хужжатлар қабул қилинди. Хусускан, 2019 йилда янги таҳрирда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”^[1]ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»^[2]ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни^[2]га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида Қонуни, “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисидаги”^[3]ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни^[3], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисидаги ПФ-60-сонли Фармони^[4], Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”^[5]ги Фармони, [5], Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори^[6] шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда банк тизимида Марказий банк ва 35 та тижорат банклари фаолият юритаётган бўлса, шундан, капиталида давлат улуши мавжуд банклар – 10 тани, бошқа банклар – 25 тани тани ташкил этади. (1-расм).

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 2024 йил 1 январда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан "Yevroosiy Banki" акциядорлик жамиятига лицензия берилган, бу Ўзбекистонда фаолият юритаётган банклар сони 36 тага етган¹.

2023 йилнинг 1 декабрь ҳолатига тижорат банклари филиаллари – 696 тани, банк хизматлари кўрсатиш марказлари (хизмат оғисслари ва мини-банклар) – 1796 тани, ҳамда

¹ <https://cbu.uz/oz/credit-organizations/banks/head-offices/ao/yevroosiy-banki-aktsiyadorlik-zhamiyati/>

туну-кун “24/7” режимида ишлайдиган банк шохобчалари – 3707 тани ташкил этган.



1-расм. Тижорат банкларининг сони динамикаси ҳақида маълумот²
(2024 йил 1 январь холатига)

2023 йилнинг 1 декабрь ҳолатига тижорат банклари филиаллари – 696 тани, банк хизматлари кўрсатиш марказлари (хизмат оғисслари ва мини-банклар) – 1796 тани, ҳамда туну-кун “24/7” режимида ишлайдиган банк шохобчалари – 3707 тани ташкил этган.

Тахлил қилингандан даврда тижорат банклари филиаллари сони йилдан йилга камайиб борган бўлса, банк хизматлари кўрсатиш марказлари (хизмат оғислари ва мини-банклар) сони 2020 йилга нисбатан 746 тага кўпайган, ҳамда туну-кун “24/7” режимида ишлайдиган банк шохобчалари беш йил давомида 2805 тага ортган. Ушбу кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлилидан кўриш мумкинки, ҳали мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда банк тизими олдидағи долзарб масалалардан бири бўлиб, аҳолини банк хизматлари билан қамраб олиш даражасини ошириш ҳисобланади.

1-жадвал

Муомалага чиқарилган банк пластик карталари, ўрнатилган тўлов терминаллари, банкоматлар ва инфокиосклар сони ҳамда тўлов терминаллари орқали амалга оширилган тўловлар тўғрисида маълумот³

Сана	Муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони (млн дона)	Ўрнатилган тўлов терминаллари сони (минг дона)	Ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони (минг дона)	Тўлов терминаллари орқали амалга оширилган тўловлар суммаси (йил бошидан), млрд. сўм
01.01.2020 й.	20 547 366	392 361	9 203	71 020,2
01.01.2021 й.	25 775 662	438 410	11 800	81 000,0
01.01.2022 й.	27 105 785	433 384	12 940	111 137,0
01.01.2023 й.	34 195 648	434 018	20 379	177 671,0
01.01.2024 й.	46 205 950	429 334	26 655	254 719,1

² Расм Марказий банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган

³ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида ишланган

Мазкур жадвалда миллий ва чет эл валютасида эмиссия қилинган банк пластик карталари, уларга хизмат кўрсатувчи ўрнатилган тўлов терминаллари, банкомат ва инфокиосклар сони, шунингдек тўлов терминаллари орқали амалга оширилган тўловлар суммаси динамикаси кўрсатилган. Муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони 2024 йил 1 январь ҳолатига 46 205 950 минг тани ташкил қилиб, 2020 йилга нисбатан 25 658 584 минг тага кўп.

Аҳоли томонидан банк карталари қулай тўлов воситаси сифатида баҳоланиши, масофавий банк хизматларидан фойдаланиш кўламининг ошиб бораётганлиги, ўз навбатида, банк карталарига бўлган талабнинг ортиб боришига хизмат қилмоқда. Хусусан, 2023 йилда муомалага чиқарилган банк карталари сони 46 205 950 млн. донага этиб, 2020 йилга нисбатан 25 658 584 млн. донага кўпайиб, қарийб 2,2 фоизга ўсган. Ўрнатилган тўлов терминаллари сони 429 334 минг донага етган. Тўлов хизматларидан фойдаланувчиларига қулайлик яратиш мақсадида банк инфратузилмали, туризм ҳамда бошқа объектларга ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони 2020 йилга нисбатан 2,8 баробарга ошиб, 2024 йил 1 январь ҳолатига 26,6 мингдан ортиқни ташкил этган.

Рақамли технологияларни кенг қўллаган ҳолда банк ва тўлов хизматларидан фойдаланишда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида жорий этилган масофавий биометрик идентификация қилиш тизими (Face ID) тобора оммалашиб бормоқда. Бугунги кунда мижозлар нафақат тўловларни онлайн режимида банкка бормасдан туриб амалга ошириш, балки банк ҳисобварагларини ҳам масофадан идентификация қилиш орқали очиш имкониятига эга бўлдилар. Бу эса, мижозларга банк ва тўлов хизматларидан масофавий тарзда фойдаланиш имкониятини сезиларли даражада оширганигини кузатишимиш мумкин.

2-жадвал
Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони (минг та⁴)

Сана	Жами	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар	Жисмоний шахслар
01.01.2020 й.	10 153 458	691 008	9 462 450
01.01.2021 й.	14 571 094	822 518	13 748 576
01.01.2022 й.	20 203 384	968 580	19 234 804
01.01.2023 й.	30 000 914	1 157 045	28 843 869
01.01.2024 й.	44 099 600	1 339 609	42 759 991

2-жадвал маълумотларидан масофавий хизмат кўрсатиш каналларидан фойдаланувчи мижозлар сони йилдан йилга ортиб бораётганлигини кузатишимиш мумкин. Мамлакатимизда мобил ва интернет банкинг хизматларидан фойдаланувчилар сони 2020 йил 1 январь ҳолатига 10 153,458 минг тани ташкил этган бўлса, 2024 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич қарийб 4 баробарга ошиб, 44 099 600 минг тани ташкил этган.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда тижорат банкларининг мобил технологиялар, яъни банкоматлар, интернет банкинг, мобил банкинг, смарт офислари ёрдамида банк хизматлари ва маҳсулотларини тақдим этиб банк даромадлилигини оширишга ва операцион харажатларни камайтиришга эришиш мумкин

⁴ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида ишланган

деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда банкларнингролини ошириш мақсадида қўйидаги таклифларни ўринли деб ҳисоблаймиз:

1. Банкларнинг хизмат кўрсатиш нуқталарини мамлакатимизнинг барча худудларида кенгайтириш орқали анъанавий молиявий хизматларни инновацион усуллар орқали амалга ошириш қамровини кенгайтириш, шу ўринда таъкидлаш керакки, мамлакатимзда фаолият юритаётган тижорат банкларининг фақат учтасининг бош оғислари вилоятларда жойлашган, яъни Хамкорбанк, Универсалбанк ва Мадад Инвестбанк, мазкур жойлашув ҳам қисман инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда банк хизматлари кўламини оширишга маълум маънода таъсир қилиши мумкин деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун, барча банклар томонидан банк хизматларини етказишнинг муқобил йўлларини жорий этишини такомиллаштириш зарур;

2. Янги финтех компанияларини банк хизматлари бозорига кириб келишига қулай шарт-шароитлар яратиш ҳисобига инновацион онлайн рақамли хизматларни ривожлантириш лозим;

3. Тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш учун молиявий воситаларни кенг қўллаш ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини, ислом молиясини ривожлантириш орқали кичик тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришни кенгайтириш;

4. 4. Банк ходимлари малакасини ва стрессга чидамлилигини ошириш, банкларда ходимларни бошқаришда КРІ мезонлари асосида уларнинг фаолиятини баҳолашни ҳамда рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;

5. Банклар томонидан таклиф қилинаётган банк маҳсулоти ва хизматлари тўғрисидаги етарли ва тўлиқ маълумотларни ОАВ, ижтимоий тармоқлар орқали узатишни кенгайтириш;

6. Мижозлар, молиявий хизматлар истеъмолчилари хукуқларининг ҳимоясини кучайтириш;

7. Умумтаълим муассасаларида ва ноиқтисодий йўналишдаги таълим муассасаларида “Молиявий саводхонлик” ўқув дастурини жорий этиш, валантёрликка ёшларни талабаларни кенг жалб қилиш орқали аҳоли ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини ошириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 11.11.2019 йилдаги ЎРҚ-582-сон. <https://lex.uz/docs/4590452>
2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида Қонуни. <https://lex.uz/docs/4581969>
3. Ўзбекистон Республикасининг Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида Қонуни, 01.11.2019 йилдаги ЎРҚ-578-сон <https://lex.uz/docs/4575786>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисидаги ПФ-60-сонли Фармони, 28.01.2022 йил. <https://lex.uz/docs/5841063>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги

- ПФ-5992-сон Фармони. 12.05.2020 й. <https://lex.uz/docs/4811025>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» Стратегияси тўғрисида Фармони, 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>
 7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммаболигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори, 23.03.2018 й <https://lex.uz/docs/3593541>
 8. Andrew Leyshon, Dawn Burton, David Knights Towards an Ecology of Retail Financial Services: Understanding the Persistence of Door-to-Door Credit and Insurance Providers//Environment and Planning A: Economy and Space// April 1, 2004 Research Article <https://doi.org/10.1068/a3677>
 9. Финансовая доступность в России: взгляд потребителя [Электронный ресурс] / Национальное агентство финансовых исследований. — Режим доступа: www.cgap.org/sites/default/files/WorkingPaper-Financial-Inclusion-in-Russia-Aug-2014-Rus.pdf (дата обращения 04.02.2016).
 10. к.э.н., доц. Шахло Абдуллаева Критерии оценки и пути развития финансовой доступности. <https://inscience.uz/index.php/socinov/article/view/977/1185>
 11. Azlarova, A. (2023). Особенности развития банковской системы Республики Узбекистан на современном этапе. Economics and Innovative Technologies, 11(5), 1–7. https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss
 12. И. Турсунов "Жозибадор ва рақобатбардош банк тизими - унга эришиш учун катта мақсадлар кўзланган" номли мақоласи Янги Ўзбекистон газетаси 2023 йил 27 сентябрдаги 197-сон. <https://bankers.uz/news/1243>
 13. 2021-2023 йилларга Молиявий хизматлар оммаболигини ошириш миллий стратегияси тасдиқланди. https://bankers.uz/news/52-2021-2023-yillarga-moliyaviy-xizmatlar_ommabopligrini-oshirish-milliy-strategiyasi-tasdiqlandi
 14. <https://cbu.uz/oz/credit-organizations/banks/head-offices/ao/yevroosiyo-banki-aktsiyadorlik-zhamiyati/>
 15. Ўзбекистон банкларининг 2023 йилги молиявий натижалари - солиштирма инфографика.2024 й. 19.01. <https://bankers.uz/news/1353>
 16. <https://cbu.uz/oz/credit-organizations/banks/head-offices/>